

## **Замонавий боғларнинг шаҳарсозлиқдаги ўрни ва аҳамияти**

*Бекназаров.И.Н-магистрант, Сайдова. Б.А - катта ўқитувчи*

Техник прогреснинг ривожланиши, шаҳарлар урбанизацияси, ҳаётнинг тезкор ўсиши, албатта замонавий боғ-парк услубларида ҳам ўз аксини топган. Замонавий услуг ўзаро фарқли бир неча йўналишларга эга. Шу билан бир қаторда услубларни ажратадиган умумий томонлар ҳам мавжуд. Бу чиройли жиҳозлар, замонавий ҳайкаллар, анъанавий ўсимликларда контраст рангларни кўлловчи модерн услуги бўлиши мумкин.

Замонавий боғларнинг белгилари нималардан иборат?

Ушбу услуг чизиқларнинг оддийлиги ва босиқлиги, ҳайкалларнинг ҳажмийлиги, замонавий материаллар (метал, шиша, пластик) ишлатилиши билан ҳарактерланади. Замонавий услуг архитектуравий шакллар ва ўсимликлар уйғунлигини шакллантиради. Замонавий боғнинг бошқа хусусияти - бу муентазам услугга хос бўлган геометриянинг қўлланишидир. Энг аввало бу боғнинг режасида - тўғри йўлак ва сув каналлари, тўғри бурчакли ё квадрат шаклдаги гулзор, контейнерлар ва сув ҳавзаларида намоён бўлади.

Замонавий боғда кўпинча ҳайкаллардан фойдаланилади. Улар модерн услугидаги ҳайвон ва ўсимликларнинг стилизациялашган тасвирлари бўлиши мумкин. Улар "топиар" услугда - ўсимликларни кузаб шакл бериш услугида ҳам бажарилган бўлиши мумкин. Бундай ҳайкалларнинг асосий вазифаси - диққатни жалб этиш, зерикарли монотонликни бузишdir. Уни метал, ёғоч ёки пластикдан тайёрлаб газонда, ўсимликлар композициясида ёки йўлакларнинг кесишган жойида ўрнатиш мумкин.

Умумий композицияда ер тўшамаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун тўғри бурчакли ёки турли шаклдаги плиталардан, баъзида оч ва тўқ рангларнинг алмашинишидан пайдо бўлган контраст ранглардан, қайроқ тошлардан ва мозаик ер тўшамаларидан фойдаланилади.

Замонавий боғда, барча боғлар каби сув ҳавзаларининг аҳамияти катта. Геометрик шаклдаги сув ҳавзасида баъзида сув ўсимликлари ўстирилади, "сувли" зинапоялар ўрнатилади. Фаворалар одатда оригинал шаклда - шиша девор бўйича йўналтирилган сув ёки оддий шаклда бўлиб, куй садолари остида —рақсга тушади||.

Боғ ва паркларда катта майдонларни ҳамиша газонлар эгаллайди.

Газон дам олиш жойи ҳисобланиб, боғнинг элементларини ўзаро боғлайди. Унда солитерлар, гулзор ва сув ҳавзалари жойлашиб, боғнинг геометрик маркази ҳисобланади. Гулдонлар қоида бўйича контейнерларда ёки квадрат ва айлана шаклдаги клумбаларда жойлаштирилади. Улар шаҳар кўчаларини, бинолар ва паркларнинг кириш жойларини безайди.

Ландшафт асари доимий меҳнатни талаб қиласи, бусиз боғлар ўсиб кетади, йўқолади. Ҳатто керакли меҳнат сарфлаб туриб ҳам, ўсимликлар ўзгаради, қарийди ва нобуд бўлади. Боғларни қайта куриш ва реставрация

қилиш эҳтиёжи туғилади. Анча аҳамиятга эга бўлган Боболи ва Версаль, Тож Маҳал ва Стоу парклари доимий равишда қаралади ва қайта тикланади. Бугунги кунда уларни қайта яратиш эҳтиёжи тан олинди ва биринчи реставрацион ишлар бошланган.

Халқаро тажрибада охирги қурилиш техникаси ва композицион  
гоянинг янги ечимларини изланиши билан ажralиб туради. Биринчи планга  
кескин ва ғайриоддий, яратилиши маҳсус маҳоратни талаб қиласиган  
37

лойиҳалар чиқади. Лойихавий таклифларнинг хилма - хиллиги яқин  
келажакда ландшафт архитектурасининг ривожланиши йўлларини  
кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, янгилик мавжуд тажрибалар асосида юзага  
келади.\_\_\_\_